



Олис ва  
“оғир” қишлоқда  
қайноқ ҳаёт нафаси

2-с.

Оила — эркак қатъияти,  
аёл малоҳати билан  
мустаҳкам

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№16  
(2344)

2026 йил  
28 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА

# Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

МАҲАЛЛА —  
ИСЛОХОТЛАР  
МАРКАЗИДА

МАҲАЛЛАНИНГ  
ЎЗ ОДАМИ  
БЎЛИШИ КЕРАК:  
“ЕТТИЛИК”  
ЛАВОЗИМИГА  
МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР  
ТАНЛанади



“Маҳалла инфратузил-  
масини янада  
такомиллаштириш ва  
уларга Янги Ўзбекистон  
киёфасини олиб  
кириш бўйича устувор  
ислохотлар дастури”га  
асосан, “маҳалла  
еттилиги” фаолиятини  
ташқил этиш жараёнлари  
ислох қилинади.

Замон шиддати бир жой-  
да тўхтаб турмайди, ҳозирги  
давр янги-янги талаблар-  
ни олдимишга қўймоқда. Бу  
жараёнда фақатгина ташки-  
лотчи, ташаббускор бўлиш  
билан иш битмайди. Жумла-  
дан, ҳар бир “еттилик” аъзо-  
си ўзи фаолият юритаётган  
ҳудудни яқиндан билиши,  
одамларни таниши зарур.  
Маҳалла ходимлари турли  
ийгилишу тadbирларда эмас,  
айнан маҳалланинг ўзида  
бўлиши, муаммоси билан  
келган фуқарога йўл кўрсати-  
ши, маслаҳат, кўмак бериши  
лозим. Шундагина одамлар-  
да ислохотларга дахлдорлик  
ҳисси шаклланади, маҳалла-  
га нисбатан ишончи ортади,  
уни ўзига энг яқин суянч си-  
фатида қабул қилади.

Давоми 2-саҳифада.

ИМКОНИАТ

БИЛИМ, БУ КУЧ,  
УНИ ЭГАЛЛАШ  
КЕРАК, ОРТГА СИРА  
ҲАМ ЙЎЛ ЙЎҚ!



5

### ЁШЛАР МАҲАЛЛА БЎЙИЧА ЯНГИ ГОЯЛАРНИ ТАҚДИМОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳузурида  
Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва истиқболли  
лойиҳалар офиси иш бошлади.

Офис фаолияти маҳалла тизимини ри-  
вожлантириш, аҳоли фаровонлигини оши-  
риш ҳамда замонавий бошқарувни жорий  
этишга қаратилган. Ишлар учта муҳим йўна-  
лиш — ижтимоий-маънавий барқарорлик ва  
хавфсизлик, рақамлаштириш ва инновация-  
лар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш  
соҳаларида олиб борилади.

Фаолият “Фикр — гоё — ташаббус — ло-  
йиҳа” тизими асосида йўлга қўйилади. Яъни  
ташаббус бор жойда — натижа бор. Муваф-  
фақиятли лойиҳалар оммалаштирилади,  
илгор тажрибалар кенг жорий этилади.

Уюшмада ташаббускор  
ёшлар иштирокида дастлабки  
тақдимот тadbiri ўтказилди.  
Унда 20 нафардан ортиқ йигит-  
қиз ишлаб чиққан 6 та лойиҳа  
тақдим этилди. Иштирокчилар  
лойиҳаларнинг мақсади, амалга  
ошириш тизими ва кутилаётган  
натижалар юзасидан маълумот  
берди. Лойиҳаларни янада та-  
комиллаштириш юзасидан экс-  
пертларнинг тақлиф ва тавсия-  
лари билдирилди.



УЮШМА КУНДАЛИГИ



КУН НАФАСИ

### “Янги Ўзбекистон” маҳалласи:

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ  
ЖОРИЙ ЙИЛ 26-27 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ  
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ ЧОҒИДА  
ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДА ҚУРИЛАЁТГАН  
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИНИ КЕЛИБ  
КЎРДИ. БУ ЕРДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”  
МАҲАЛЛАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

### Фаровонлик, ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик муҳассам маскан

Давлатимиз раҳбари маҳаллада яратилган  
имкониятлар, бунёдкорлик ишларини  
кўздан кечирди, худуднинг меҳмондўст,  
меҳнаткан, самимий одамлари билан  
суҳбатлашди, уларнинг бугунги қайноқ ҳаётини  
билан танишди. Бу ташриф маҳаллага янги  
ҳаёт нафасини олиб келди, одамларнинг  
кайфияти, руҳиятини кўтарди.

Маҳалладаги бугунги манзарадан аҳолининг кўнгли  
тоғдек кўтарилмоқда. Босиб, авваллари бу ерлар одамлар  
оёғи етмаган ёнтоқзор, чўл худуд саналарди. Аҳоли учун  
муносиб яшаш шароитларини яратиш, замонавий ва  
шинам тураржойлар барпо этиш ишлари доирасида худуд  
ўзлаштирилиб, 50 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон”  
массивини қуриш ишлари амалга ошириляпти.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ  
СОНДА:

Аёл оила бағрида бахтли,  
фарзандлари билан  
саодатли умрга муносиб!

Баъзан ишиз ёки ҳунар эгаси бўлган  
аёлларни тadbиркорликка жалб қилсақ,  
улар бериладиган кредит маблағини қан-  
дай қайтариш ҳақида кўп уйланади...

4-с.

Эртанги кун умиди асло  
сўнмайди, ногиронлик бу  
ҳаётга тўсиқ бўлмайди

Ҳар бир инсон ҳаётда турли синовларга  
дуч келади. Айримлар учун бу жисмоний  
чекловлар билан боғлиқ бўлса, бошқалар  
руҳий изтироблардан азият чекади...

6-с.

Мурожаат ва мулоқотда  
ҳамиша яқин, кўмак ва  
қўлловда доим камарбастамиз

“Солиқ инспектори деганда, одамлар кўз  
олдига фақат талаб қиладиган эмас, йўл-  
йўриқ кўрсатадиган, енгиллик яратади-  
ган мутахассис келишини истайман”.

7-с.

“Еттилик” жиноятнинг  
ҳар қандай кўринишига  
мутлақо мурасимиз

Профилактика инспектори қандай  
ишлаётганини худудда юз берган жиноят  
сонига қараб билиш мумкин. 2025 йилда  
худудда жиноят содир этилмади.

8-с.



**903 та “оғир” маҳаллада томорқани ривожлантириш бўйича ДАВЛАТ ВА МАҲАЛЛА УРТАСИДА ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА ТУЗИЛАДИ.**



**Ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик қилиш истаги бўлган 3 нафардан ўзини ўзи банд қилган ШАХСЛАР рўйхати шакллантирилади.**



**2026 йилда 43 та маҳаллада туризм хизматлари ривожлантирилади, 17 та маҳаллага “ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИ” мақоми берилди.**

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

КУН НАФАСИ

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАҲАЛЛАСИ: Фаровонлик, ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик мужассам маскан**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳаллада 116 та кўп қаватли уй бунёд этилиши режалаштирилган. Ҳозиргача поликлиника, 180 ўринли боғча, 330 ўринли мактаб ва маҳалла биноси фойдаланишга топширилиб, 68 та уйдаги 1,5 мингта хонадонга аҳоли кўчиб кирди. Келгусида бу ерда яна 50 га яқин уй қурилиши кўзда тутилган. Хусусан, жорий йилда яна 14 та (280 хонадонли) кўп қаватли уй-жой, янги йўллар, истироҳат боғи барпо этиш режалаштирилган. Шунингдек, ахборот технологиялари ва инглиз тили ўқув маркази иш бошлаган, 7 та микромарказ ҳамда 5 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилган. Ичимлик сув, иссиқлик тармоқлари, 3 километрга яқин газ қувури тортилиб, 250 киловаттли трансформатор ўрнатилган. 4,5 гектар ерга манзарали ва мевали дарахтлар, дашт ҳудудидаги 300 гектар майдонга эса саксовул ўсимликлари экилган.

**Ташриф чоғида Президентимиз худудда фаолият юритаётган “Янги ёшлар” бошқарув сервис компаниясининг иши билан танишди.** Компания тумандаги 161 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, шундан 54 таси маҳалламизда жойлашган. Шунингдек, маҳалладаги 66-мактабда яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ноги-



**Давлатимиз раҳбарининг фаоллар билан суҳбати ҳам кўнги-ларга нур олиб кирди.** Мулоқотда маҳалла тизимидаги ўзгаришлар, аҳоли муаммоларини шу ернинг ўзида ҳал этиш борасида йўлга қўйилган тартиблар, “еттилик”ка яратилган шароитлар ҳақида сўз борди. Самимият ва қатъий ишонч билан айтилган фикр-мулоҳазалар Президентимизнинг ғамхўрлиги, дарёдиллиги, мард ва тантилигини яна бир қарра кўрсатиб берди.

ронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган имкониятлар кўздан кечирилди. Мактабда бугун 500 нафардан зиёд ўқувчи таълим олмақда. Ногиронлиги бор болаларни замонавий мезонлар асосида ўқитиш учун алоҳида ёндашув жорий этилган.

**Президентимиз хорижий тиллар ва ахборот технологиялари ўқув маркази билан**



Элмурод ОЛЛАЁРОВ, Жарқўрғон туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласи раиси.

**танишди.** 400 ўринли мажмуа йилига 2 мингдан ортиқ ёшга таълим олиш ва лойиҳалар устида ишлаш имконини беради. Давлатимиз раҳбари ёшларни илмга йўналтириш, жумладан, хорижий тилларни ўргатишга қаратилган бундай мажмуалар аҳамиятига алоҳида тўхталиб: “Бугун бундай марказларнинг келажак интилишларини қўллаб-қувватлаши-

миз, керак бўлса, уларнинг савий-ҳаракатларини бирлаштириб, хорижий ҳамкорлар билан боғлашимиз лозим. Шунда ота-оналар фарзандларини ишонч билан мана шундай марказларда ўқитиш”, — деди. **Кўпкам яқинлашиши билан худудларда баҳорий байрам сайилларини уюштириш аънавага айланган.** Президентимиз маҳалламиздаги сумалак сайлида иштирок этиб, аҳоли билан бирга шодиёна кайфиятда бўлди, бу ерда истикомат қилаётган инсонларнинг самимий фикрларига қўлоқ тутди.

“Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга ҳурмат билан қарамқда, халқимиз учун яратилган шароитларни кўриб, ислохотларнинг самарасига гувоҳ бўлмоқда. “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳам одамларимиз фаровон ҳаёт кечирishi, шинам уйларида яшаш учун барпо этиляпти. Мен доим “таълим-таълим” деб бежиз айтма-йман. Билимимиз, мана шундай бунёдкорона меҳнатимиз билан юртимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириб, дунёда муносиб ўрин эгаллаймиз. Сурхондарёнинг эли меҳнатқаш, танти, бу ерда хали кўп янгиликларни амалга оширишимиз”, — деди Президент.

**...Шу кунларда маҳалламизда кўтаринки кайфият, жўшқинлик ҳукмрон.** Ким билан гаплашманг, Президентимизнинг маҳаллага ташрифидан руҳланганини, чекка қишлоқ ободликка юз тўтаётганини мамнунлик билан таъкидлайди.

Тараққиёт ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмайди. Ташаббускорлик, изланиш, албатта, жуда зарур. Маҳалламиздаги ўзгаришлар ҳам одамларнинг ҳаракати билан ҳамоханг бўлди. Бугун олис маҳаллага янгилини кириб келди, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди, дунёқарashi кенгайди. Равон, ёруғ қўчалар, замонавий уй-жойларнинг бугунги қўрилиши “Янги Ўзбекистон”да катта юксалишлар бўлаётганидан дарак бериб турибди.

**Ислохотлар дастурига биноан,** юқоридаги талабларни бузганларга нисбатан қаттиқ назорат белгиланди. **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** ҳар ой Бош вазирга мазкур тартибга риоя этмаган давлат идоралари ва ташкилотлари масъуллари бўйича таклиф киритиб боради. Энг кескин чора сифатида мансабдор шахсларни лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Умуман олганда, **Ислохотлар дастурида** белгиланган янги тартиблар асосида “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этишда фуқаролар йиғини раисининг ўрни сезиларли даражада ошади, тайинлов жараёнида худуднинг аниқ ҳолатини яхши биладиган мутахассисларни саралаш имконияти кенгайди. Уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши орқали ортиқча вазифалар юклатилишига чек қўйилади, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланади. Энг муҳими, маҳаллада бошқарув тизими тартибли, масъулиятли ва натижага йўналтирилган шаклга келади.

МАҲАЛЛА — ИСЛОХОТЛАР МАРКАЗИДА

**МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ ОДАМИ БЎЛИШИ КЕРАК: “еттилик” лавозимига маҳаллий кадрлар танланади**



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**Маҳаллани, одамларни танийдиган ходимлар керак!**

Ислохотлар дастурига кўра, 500 та маҳаллада тажриба тариқасида “маҳалла еттилиги” вакилларини уларнинг ўзи истикомат қилаётган ва ёндаш маҳалладан тайинлаш амалиёти жорий этилади. Ҳўш, бунга қандай зарурат туғилди?

Энг аввало, ходим бошқа худуддан бўлса, маҳаллани ўрганиш, кимнинг қандайлигини билиш учун анчагина вақт кетади. Айниқса, аҳолига кредит ва субсидия ажратишга масъул бўлган ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ҳақиқатда кўмакка мутожларни аниқлашга қанча кўп вақт сарфласа, ижтимоий ёрдамлар одамларга шунча кеч этиб боради. Мисол учун, улар ўзи танимаган, билмаган, ижтимоий аҳолидан беҳабар инсонларга кредит ажратса, эртага муаммоли кредитлар сони ортади, маҳаллада боқимандалик, давлат ёрдамига кўз тикиш ҳолатлари кўпаяди.

Қолаверса, ходимнинг бошқа худуддан қатнаб ишлаши орқича вақт ва харажатга сабаб бўлади. Туғри,

бу ҳолат шаҳар маҳаллаларида сезилмаслиги мумкин, бироқ қишлоқ худудларда, айниқса, тоғли маҳаллаларда қиш-кировли кунларда иш жойига вақтида этиб бориш ҳамда кечқурун ишдан қайтишда қийинчиликлар туғдиради. Буни аллақачон аксарият ходимлар ўз тана-сида хис қиляпти.

Шу маънода “маҳалла еттилиги” вакиллари шу худудда яшовчи одамлар орасидан тайинланса, уларни танлашда маҳалладан бўлган номзодларга устуворлик берилса, ижтимоий ёрдамлар ҳақиқатда мутожларга ўз вақтида этиб боради, ходимлар йўлга, келиб-кейтишга орқича вақт сарфламайди.

**“Еттилик” йиғилишда эмас, маҳаллада бўлимо лозим!**

Ислохотлар дастурига асосан, “маҳалла еттилиги” аъзоларини йиғини йўллар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш фақат фуқаролар йиғини раисининг руҳсати билан амалга оширилади, уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлган вазифаларни юклаш қатъий таққиланади.



**Яна бир энг муҳим нуқта — эндиликда “еттилик”ка ўз вазифаси ва фаолият йўналишига умуман алоқаси бўлмаган ишларни юклаш қатъий ман этилади.** Яъни маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ инспектори ёки профилактика инспектори — ҳар ким ўз соҳаси бўйича ишлайди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ГЎША

**Олис ва “оғир” қишлоқда қайноқ ҳаёт нафаси**

**Тошкент вилояти Бўка туманидаги “оғир” тоифага киритилган “Қўлдоштепа” ва “Навобод” маҳаллаларида “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонлари асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари аяқланиб, янги объектлар фойдаланишга топширилди.**



Таъкидлаш лозимки, бу икки маҳалла 2025 йил сентябрь — 2026 йил январь ойлари давомида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар туфайли янги қиёфага кирди. Бу савий-ҳаракатлар замонавий маҳалла марказларини ташкил этиш ишларининг амалий ифодаси бўлди.

“Қўлдоштепа”да маҳалласида 3 минг 390 нафар аҳоли истикомат қилади. Маҳалла бўйлаб 14 километр ичимлик сув тармоғи тортилди, 3,2 километр марказий кўча асфальтланди, 2,5 километр икки йўлларга шағал ётқизилди. 390 та бетон таянч устунлар ўрнатилди.

Маҳалламизда амалга оширилган бу каби савий-ҳаракатлар аҳоли учун катта совға бўлди, — дейди маҳалла раиси Шухрат Чориев. — Жумладан, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 33 та хонадонга чорвачилик ва қишлоқ ҳўжалиги ускуналари берилди, 17 нафар фуқарога тадбиркорликни бошлаш учун 350 миллион сўм кредит ажратилди. 3 та оғир аҳволдаги оила томорқасида иссиқхоналар ташкил этилди, 250 та хонадон томорқасида савзавот экиш йўлга қўйилиб, ер эгалари учун семирнарлар ўтказилди.



Фақат бугина эмас. Маҳалла марказида янги йиғин биноси, ўқув маркази, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари (сартарошхона, гўзаллик салони, озиқ-овқат дўкони, дорихона), нуронийлар маскани, воркаут майдончаси қурилди, иккита кўприк таъмирланди, соғломлаштириш йўлига барпо этилди, 14 та кўчанинг кириш-чиқиш жойларига кузатув камералари ўрнатилди. Иккита оилавий болалар боғчаси ишга туширилди.



Президентимиз Термиз туманидаги "ТОМОРҚА МАКТАБИ" фаолияти билан танишди.



Термизда хунармандчилик ва анъанавий санъатни ўзда жо этган ЭТНОШАҲАРЧА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА ҚўРА, давлат иштирокидаги корхона ва банклари фаолиятининг самарадорлиги оширилади.

2026 йил  
28 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА

Mahalla №16

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ҚАҲРАМОНЛИК

## 300 хонадондан 30 хил маҳсулот хорижга экспорт қилинади



Гувоҳи бўлганимиздек, арқон тайёрлаш жараёнини санъат даражасига олиб чиққан аҳоли меҳнати ва тадбиркорлиги билан фаровонликка эришяпти. Бундан ташқари, айрим хонадонларда тикув-трикотаж корхонасига белбоғ, безак ва оёқ кийимлари учун боғич ишлаб чиқарилади. Ҳар бир уйда ўртача 15-20 тадан замонавий ускуна ўрнатилган бўлиб, бу — камида 7 та иш ўрни, деганидир.

Шу кунларда тадбиркорлар учун қўшимча имконият яратиш мақсадида 5 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил этишни режалаштиряпмиз. Мақсад — ишлаб чиқариш жараёнини босқичма-босқич саноат ҳудудига кўчириш, тарқоқ ҳолатдаги кичик корхоналарни ягона ҳудудда йиғиш.



## ХАЛОСКОР ТЕЗ КУНЛАРДА МАҲАЛЛАГА ҚАЙТАДИ

Яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўзбек йигитининг кўрсатган қаҳрамонлиги тилларда дoston бўлди. Айниқса, бу хабардан оиласи, маҳалла аҳлининг қалби фаҳрга тўлди.

Ғофур ЖОВЛИЕВ,  
Ғузур туманидаги  
“Тошгузар” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Ушбу жасорати учун Хайрулло Ибодуллаев Президентимиз фармонида кўра, “Жасорат” медали билан тақдирланди. Шунингдек, Санкт-Петербург шаҳар губернатори ҳам махсус мукофотлади.

Шу уринда кўпчиликда бир савол туғилиши табиий. Бу йигит миграцияда бўлса, маҳалла унинг оилавий аҳолидан хабардор бўлганми? Албатта, маҳалламизда миграциядагилар билан ишлаш буйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида ушбу оила “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган. Амалдаги тартиб буйича уларга 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Бу маблағга оила бекаси Гуллола Сафарова чорвачилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

Хайрулло Ибодуллаев билан суҳбатлашганимда, тез кунларда ватанга қайтиш ниятини билдирган эди. Унга фаолиятини янада кенгайтириши учун ссуда ажратиш буйича келишиб олганми.

Вилоятда “арқончилар маҳалласи”, деб танилганми. Худуддаги қайси бир хонадонга кирманг, деярли ҳаммасида арқон тўқиш жараёни устидан чиқасиз. 300 та хонадонда ишлаб чиқарилаётган 30 дан ортиқ маҳсулот хорижга экспорт қилиняпти. Муболағасиз айтиш мумкинки, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида хунармандчилик саноатга айланди.

Хусниддин НАЗАРОВ,  
Учкўприк туманидаги  
“Бешкапа” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Бу билан кўп нарса ўзгарди. Авваллари бугунгидек қулай, замонавий шароит бўлмаган. Ҳар бир иш кўлда бажарилган. Шунга кўра, ишлаб чиқариш ҳажми чекланган, маҳсулот тури кам, даромад барқарор бўлмаган. Бугун эса замонавий ускуналар ёрдамида меҳнат енгиллашди, сифат ошди, даромад кўпайди. Арқончилик кичик саноат кластерига айланди. Хомашё

таъминоти йўлга қўйилди. Маҳсулот турларини тайёрлаш ихтисослашди. Буюртма ва тарқатиш тармоғи шаклланди.


Биргина мисол — етакчи тадбиркор ип маҳсулоти етказиб беради. Касаначилар уни тайёр ёки ярим тайёр ҳолатга келтириб, яна тадбиркорга сотади. Кейин марказлашган тарзда хорижга экспорт қилинади. Уйда тўрттагача дастгоҳ борлар ойига 12 миллион сўмгача соф даромад топади. Катта тадбиркорлар ипнинг хар килосини 20-25 минг сўмга сотиб олса, тайёр маҳсулот ҳолатида 28-35 минг сўмдан сотади. Ҳозирда тўрт нафар етакчи тадбиркор иш олиб борапти.

Бу билан логистика, саноат ва кооперация фаолияти осонлашади. Янги иш ўринлари пайдо бўлиб, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш имкониятимиз ортади. Ярим тайёр эмас, балки тўлиқ тайёр, бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Қолаверса, стандартиштириш, сертификатлаш, брендлашни йўлга қўямиз. Бу орқали маҳсулотларнинг хорижга сотилиши янада қулайлашади.

МАЗВУГА ҚАЙТИБ...

## Фақат кўрсатилган хизматга ҳақ тўланади

Бу мавзуда газетамизнинг 13-сонида “Кўрсатилмаган хизмат учун тўлов ундириш қанчалик адолатли?” номли сарлавҳада мақола чоп этилган эди. Орадан кўп вақт ўтмади. Ҳўш, мақолада билдирилган эътироз ва тақлифларга қандай муносабат бўлди?



Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги маълум қилишича, энди чикинди машинаси келмаса ҳам пул ёзилверадиган тизим тугади. Яъни,

аҳолидан фақат амалда кўрсатилган хизмат учунгина ҳақ олинади ва барча тўловлар онлайн амалга оширилади.

Янги тартибга кўра, машина келмадими — пул тўламайсиз! Фақат маҳаллангизга келиб, чикиндини олиб кетган кунлари учун ҳисоб қилинади. Пуллар “назорат”да.

Тўловлар тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи санитар корхона ҳисобига эмас, балки давлат назоратига, яъни Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг махсус рақамига йўналтирилади. Ундан сўнг операторга алоҳида тартиб асосида маҳаллалардан олиб чиқиб, полигонга жойлаштирган чикиндини тоннаси ҳамда махсус техниканинг юрган километри ҳисобида фақатгина кўрсатган хизмат учунгина тўлаб берилади.



Маълумотларга кўра, ишламаган 14 та фирма жаримага тортилган. Иккитаси эса фаолиятини тўхтатган. Энг муҳими, ҳеч қандай хизмат кўрсатилмасдан ёзилган 11,9 миллиард сўмлик қарзлар ўчирилди, бекор қилинди, тизимдан олиб ташланди.

Ҳа, истемолчилар учун жуда қулай. Яъни, ҳамма жараёни телефонда, онлайн назорат қилиб бориш, машина қаерда юганини “GPS” орқали кўриб туриш имкони бор.



БИЛИБ ОЛИНГ!

2026 йил 1 мартдан бошлаб, тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини аниқлашда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари балларни камайтирувчи қўшимча мезон сифатида белгиланади.

## НОРАСМИЙ БАНДЛИК ТАДБИРКОР РЕЙТИНГИНИ ТУШИРАДИ

Бу ҳақда давлатимиз раҳбарининг “2026 йилда ҳудудларни янги ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан сўз боради. Унга кўра, қонунбузилиш ҳолатлари сифатида тасдиқланган норасмий бандлик ҳолатлари, ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан паст ойлик иш ҳақларининг ҳисобланиши қайд этилади.

Шунга кўра, ҳоким ёрдамчиси хатлови асосида аниқланган норасмий бандлик ҳолатлари буйича уларни бартараф этиш юзасидан “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида иш берувчиларнинг шахсий кабинетларига Давлат меҳнат инспекцияси томонидан огоҳлантириш хати юборилади.

Иш берувчилар йўл қўйган қонунбузилиш ҳолати уч иш кунини ичида ихтиёрий равишда бартараф этилмаган тақдирда, ушбу ҳолат тегишли корхона ва ташкилотларда Давлат меҳнат инспекцияси текшириш ўтказиши учун асос ҳисобланади.



Норасмий бандлик ҳолати аниқланган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида иш берувчи ходимлар билан меҳнат шартномасини расмийлаштириб, ҳисобланган ойлик иш ҳақларини тўлиқ тўлаб берган тақдирда, маъмурий жавобгарликдан озод этилади.



Жаҳон банкининг "АЁЛЛАР, БИЗНЕС ВА ҚОНУН ИНДЕКСИ"да Ўзбекистон 190 та давлат орасида 48-ўринни эгаллади.



Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан республика бўйлаб аёллар ўртасида "ЗАКОВАТ" ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТУРНИРИ бўлиб ўтди.



Ҳар йили юртимизда 270 мингга яқин ЯНГИ ОИЛАЛАР пайдо бўлмоқда.

"ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!"

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

ЮРТГА МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ ҒАЛАБАГА ЧОРЛАГАН

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Дилшода Усмоновани кўпчилик энгил атлетика бўйича Ўзбекистон, Марказий Осиё ва Осиё чемпиони сифатида яхши танийди.



Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, журналист.

Кўргонтепа туманидаги "Хўжатепа" маҳалласида таваллуд топган қизалоқ мактабдан давриданок спорт билан шуғулланишни бошлаган. 2017 йилдан эса мураббий Нодирбек Юсуфжоновдан энгил атлетиканинг сирларини пухта ўрганишга киришди. Тинимсиз меҳнат самараси ўлароқ, туман, вилоят, республика миқёсидаги турли мусобақаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришди.

— Айниқса, 2022 йил Дилшода учун жуда муваффақиятли келган, — дейди устози Нодирбек Юсуфжонов. — У Кувейт давлатида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Қолаверса, 200 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсида кўп йиллардан буён янгиланмаган Осиё рекордини янгилади. Бундай юқори натижага эришиш, албатта, осон кечмади.



Айни кунда Дилшода Андижон давлат педагогика институтини ўқий бола билан бирга, Кўргонтепа тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларга энгил атлетика сирларини ўргатиб келмоқда. Шунингдек, жорий йилда бўлиб ўтадиган қатор республика ва халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда.

Юртимизнинг умидли спортчиларидан бири Дилшода Усмонованинг орзулари улкан, ниятлари улуғ. Ишонимизки, чемпион қизнинг эзгу ниятлари, албатта, ижобат бўлади. Чунки унда шижоат, фидойилик, эртанги кунга умид, Ватанга муҳаббат, халқаро майдонларда юртимиз шухратини юксакларга кўтаришга бўлган кучли иштиёқ бор.

Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА, "Mahalla" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чо-

ра-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида оилани мустаҳкамлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган. Хусусан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясидаги 25-мақсад ҳам аввалда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, мазкур бандга оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мазмунидаги ўзгартиш киритилгани ҳам оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни янада юксалганининг белгисидир.

Янги мақсадлар қаторида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқув курсларига жалб этишни жорий йилда 50 фоизга ошириш ва 2030 йилга қадар 80 фоизини қамраб олиш вазифаси белгиланган. Zero, худудларда фаолият олиб бораётган мазкур марказлар катта турмуш бўсағасидаги ёшлар учун муҳим мактаб вазифасини ўтапти.

Оила аталмиш муқаддас даргоҳга илк қадами босаётган

...Тўрт нафар фарзанднинг онаси бўлган бу аёл йиллар давомида хорижда ишлади. Гарчи турмуш ўртоғи ёнида бўлишига қарамай, яқинларининг соғинчидан хотиржамлик туя олмасди...

Гулсара ОМОНОВА, Қарши шаҳридаги "Истиқлол" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Унга бир неча бор кўнғирок қилиб, ҳол-аҳвол сўрадик. Ҳатто маҳалламизга қайтиб келса, муносиб иш ўрни топиб беришимизни айтдик. Буни қарангки, қилинган сайи-ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатди. Ўтган йили эр-хотин болаларининг бағрига қайтиб келишди. Қувончли кунлар бир-бирига уланиб кетди. Оила вақиллари тўй қилиб, қизини узатишди.



ДАРОМАД МАНБАИ

Тотли ҳаёт баракали меҳнат ва шифобахш неъмат билан

Маҳаллаимиз ўзининг тадбиркор ва меҳнатқаш аҳолиси билан тилга тушган. Асаларичилар кўчасида ўндан ортиқ хонадон асаларичиликни оилавий бизнесга айлантириб, ҳам баракали даромад топмоқда, ҳам аҳоли дастурхонига шифобахш маҳсулот етказиб бермоқда.



Роза ХУДОЙБЕРДИЕВА, Шофиркон туманидаги "Искогаре" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Кўзга кўринган тадбиркорлардан бири — Зебо Ҳамидова ва унинг турмуш ўртоғи Бекжон Ҳусеновлар. Бу оила 2020 йилдан буён асаларичилик билан жиддий шуғулланиб келади. Уларнинг хонадонидан 100 қўти асалари оиласи мавжуд бўлиб, йилига 1-1,5 тонна соф асал етиштирилади. Йиллик даромад эса 100 миллион сўмдан ортқини ташкил этмоқда.

Ушбу кўчадаги яна бир файзли хонадон эгалари — Бахтигул Уринова ва унинг турмуш ўртоғи Акмал Баронов. Улар бу соҳада анча тажрибали бўлиб, ўз фаолиятини 2014 йилда бошлаган.

7 қўти асалари оиласи билан фаолиятини бошлаган ушбу хонадон вақиллари ҳозирги кунда 150 та оила-

дан ўртача 2 тоннадан ортиқ асал олади. Даромад эса йилига қарий 180 миллионга тенг.

Диловар Қўлдошева ва турмуш ўртоғи Камол Мирзоевлар ҳам бугун асаларичилик орқасидан рўзғор тебратётган намунали оилалардан. Уларда ҳозирги кунда 42 қўти асалари оиласи мавжуд бўлиб, йилига 650 кг. шифобахш асал олинмоқда.

Искогарелик бу тадбиркорлар нафақат ўз фойдасини кўзлайди, балки асаларичилик сирларини қўни-қўшиларига ҳам бажонидил ўргатмоқда. Бу эса қишлоқда янги иш ўринлари ва кўшимча даромад манбалари яратилишига хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, асалга харидор ҳам мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва пишириқ тайёрлаш корхоналарига етказиб берилди.

"Этилик" ходимлари берилган ваъдага биноан аёлнинг бандлигини таъминлади. Ҳозир у овқатланиш шохобчасида фаолият юритяпти. Турмуш ўртоғи эса хайдовчилик қилиб, яхшигина даромад топяпти. Энг муҳими, фарзандлар ота-онанинг бағрида улғаймоқда. Аслида, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси ганимат. Қўлдан бой берилган онларни ортга қайтариб бўлмайди. Шундай экан, қувноқ ва тула-тўқис оила даврасида умргузаронлик қилишга нима етсин.

Маҳалла тизимидаги ўн йиллик фаолиятим давомида бундай тақдир эгаларини қўллаб учратдим. Тажрибамдан келиб чиқиб, ҳаммасига тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қиламан. Бугунги янгиликлар, ислохотлар ва имкониятлар замида ҳеч бир аёлнинг иш излаб, чет элга кетишига ҳожат йўқ. Ҳар ернинг тош тарозиси бўлгани каби узга юрда ҳам пул топиш осон эмас. Нозиккина жусаси билан шу қарорга келаётганлар эса кўпроқ фарзандига кераклигини вақти соати билан англаб етати.

Ҳозирда маҳалламизда истиқомат қилаётган 1598 нафар аёлнинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир вақили ўз устида ишлаяпти. Уларга қараб туриб, интилан киши, албатта, мақсадига эришишига ғувох бўляман.

Қўли гул чевар Азиза Аҳадова фаолиятини бунга яққол мисол сифатида келтириш мумкин. Тадбиркор ўтган йили маҳалла тавсияси билан тақдим этилган 10 миллион сўм имтиёзли кредит билан иш бошлади. Ҳозирги кунга келиб 8 та тикув машинасига эга бўлди. 4 нафар доимий ишчиси ва 4 нафар шогирди бор. Қувонarli жижхати, шу ҳунари ортидан рўзғорига барака киритяпти. Олдида катта мақсадлар қўйиб, атрофдаги опа-сингилларини янгилик қилишга ундаяпти.

Ўрни келганда бир тақлим бор эди. Баъзан ишсиз ёки хунар эгаси бўлган аёлларни тадбиркорликка жалб қилсақ, улар берилмайдиган кредит маблағини қандай қайтариш ҳақида кўп ўйланади. Шу боис хотин-қизларга тақдим этилаётган кредит фойзаларини бироз пасайтирилишини истардик. Шунда тадбиркорлар сафини янада кенгайтирган бўларди.



Саҳифани "Mahalla" мухбири Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА тайёрлади.

МУШОҲАДА

Оила — эркак қатъияти, аёл малоҳати билан мустаҳкам

Оила — инсон камолоти ва жамият тараққиётининг асосий бўғинидир. Бугунги кунда ёшларни оилавий ҳаётга нафақат моддий, балки маънавий ва психологик жиҳатдан тайёрлаш давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалага айланди.



Ўғил-қизларимизнинг бахтли ҳаёт кечириши учун чуқур билим ва изланишга эҳтиёжи бор. Ён-веримизни қузатадиган бўлсақ, турмуш қурганига бир йил ўтмай, ажрашиш учун ариза топшираётганлар сони йил сайин ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Келинлик қайнота ва қайнонасида алоҳи-

да яшашни истаяпти. Тинч-тотув умргузаронлик қилаётганларнинг ҳаётига аралашаётган учинчи шахсларни-ку айтмаса ҳам бўлаверади. Яқинда бир воқеа ҳақида эшитиб қолдим. Она минг орзу-ҳаваслар билан ёлғизгина ўғлига бой-бадавлат оиланинг қизини келин қилди. Қиз тараф анчагина

ҳаражатларни қоплади. Аввалига қандайчилик ришталари жуда мустаҳкам эди. Аммо орадан бир ой ўтмай, қайнонанинг кайфияти узғара бошлади. Келиннинг рўзғор юмушларига уқуви йўқлигини баҳона қилиб, уни уйига қайтариб юборади. Бу вазиятда қувё ҳам оғиз очиб, бир калом айта олмайди. Онанинг чизган чизигидан юриб, ажрашишга қарор қилади. Шу тарзда бойлик ва обрў-эътибор қозониш орзусида қурилган оиланинг турмуши узоққа чўзилмайди. Жамиятимизда шу каби кишини хайратлантирадиган, кайфиятини бузадиган ҳолатлар кам эмас. Йилларимизнинг бундай вазиятларда "саҳна орти"га ўтиб олаётгани эса уларнинг ҳали оилавий ҳаётга тула тайёр эмаслигини кўрсатади. Агар эркак қарорида қатъий турса, атрофдагиларнинг салбий муносабати эр-хотинлик ришталарини узолмаслиги аниқ.



Шу маънода, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш курслари юқоридан тилга олиб ўтилган муаммолар билан янада чуқурроқ иш олиб борса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, қиз чиқариб, ўғил уйлантираётган ота-оналар учун ҳам махсус ўқувларнинг ташкил этилиши ажрашишлар сони камайтиришга хизмат қилган бўларди.



Халқаро фан олимпиадаларида олтин медал олган ёшларга 1 миллиард сўмдан ортиқ мукофот туланади.



Минтақадаги энг йирик "TECH HASKATHON" ТАДБИРИДА 17 та мамлакатдан 1 200 нафар иштирокчи қатнашади.



ИЖТИМОЙ ШАРТНОМАНИ "АЪЛО" ДАРАЖАДА БАЖАРГАН ёшлар пул мукофоти билан тақдирланади.

2026 ЙИЛ  
28 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА

Mahalla №16

5

## "ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!"

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ИМКОНИАТ

Уч йил бўлди — маҳалламизда ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритяпман. Шу вақт ичида 500 нафарга яқин йигит-қизнинг фикр-мулоҳазасини эшитдим, дардини тингладим. Йўл тополмай турганига йўл кўрсатдим, иш излаб сарсон бўлганига имконият изладим.

### Тўғри йўл кўрсатмасак, етаклаган боладан етакчилик чиқмайди

Самандар АББОСОВ,  
Фуркат туманидаги "Тўғрай"  
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Б у йиллар менга катта тажриба берди ва бир муҳим хулосага олиб келди: ёшларни доим етаклаб юриш эмас, унга йўл очиб бериш керак. Ўзи ҳаракат қилишга шариот яратилса, улар, албатта, ўсади. Акс ҳолда, ортидан юраверсак, суянчга ўрганиб, ялқовликка мойил бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ёшларни хатловга олганимизда, айниқса, 20-30 ёш орасидагилар сафида расмий бандликка эга бўлмаганлар кўп учрайди. Кўпчилиги мавсумий ёки кунлик ишларда юради. Бугун иш бора — эртага йўқ. Айримлари хатто оғир меҳнатга жисмонан чидамсиз. Нера шундай?



**Ўйлаб қарасам, сабаблар бир нечта. Аввало, кўп ёшлар мактабни битиргандан кейин аниқ мақсад қўймайди. "Қандай иш бўлса ҳам ишлайман", деган қараш билан юради. Касб-хунар ўрганишга жиддий ёндашмайди. Иккинчидан, оилада ва атроф-муҳитда тўғри йўналтириш етишмайди. Кимдир четга кетиб пул топса, шунга ўрнак, деб билади. Лекин бу барқарор ечим эмас. Учунчидан, замонавий касблар ҳақида маълумот кам. Компьютер, дизайн, дастурлаш, хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш соҳаларидаги имкониятлар кўп ёшларимизга ҳали ҳам узокдек туюлади.**

### БИЛИМ, БУ — КУЧ, УНИ ЭГАЛЛАШ КЕРАК, ОРТГА СИРА ҲАМ ЙЎЛ ЙЎҚ!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган фаол ёшлар билан мулоқоти давлатимизнинг ёшлар сиёсати янги суръат бахш этиши шубҳасиз. Бундай учрашувлар ёшларимиз интиқ кутадиغان, очик мулоқот ва амалий қарорлар қабул қилинадиган муҳим анъанага айланганини эътироф этиш даркор.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Мулоқотнинг бош ғояси битта — ёшни қўллаб-қувватласак, мамлакат ривожланади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ўрганишга, касб-хунар эгаллашга, спорт билан шуғулланишга жалб этиши, уларнинг ғоя ва стартапларига ёрдам бериши, энг муҳими, ишли ва даромадли қилиш учун масъулиятни ошириши шартлиги айтилди. Бирорта йигит-қиз эътиборсиз қолмаслиги керак.

**Энг долзарб масала — бандлик.** Ҳар йили 600 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда, 2030 йилга бориб бу рақам 1 миллионга етади. Демак, ёшларга муносиб иш топиш, ўз бизнесини бошлаш учун шариот яратиш — кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Шу мақсадда ўтган йили ёшлар бандлиги учун 400 миллион доллар йўналтирилди. Жорий йил айтилган мақсадлар учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилади. Бу жараёнда молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади: ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Ёш тадбиркорларнинг лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратилади.

Маъмур мулоқот мамлакатимиз тараққиётида навбатдаги муҳим сиёсий воқеа бўлди. Айниқса, ёшларни демографик қатлам сифатида эмас, балки мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик кучи сифатида баҳолаш ёндашуви жараёнининг ўзига хос жиҳатини намойён этди, албатта.

Учрашувда юртимиздаги 22 миллиондан ортиқ ёшлар улкан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий салоҳият ресурси экани алоҳида таъкидланди. Сўнгги йиллардаги ютуқлар эса бу ёндашувнинг амалий натижаларини кўрсатмоқда. Хусусан, халқаро фан олимпиадаларида қўлга киритилган олтин медаллар, дунёдаги энг нуфузли олимпиадаларда тахсил олаётган ёшлар сонининг ортиши инсон капиталига йўналтирилган сиёсатнинг самарасидир.



Жорий йилдан "Келажак тадбиркори" дастури ишга тушади. Унга кўра, ёш тадбиркорларга 7 йилгача 15 фоизли кредит берилади. Ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, янги бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камида 5 нафар битирувчини ишга олганларга эса 10 миллиард сўмгача кредит ажратилади. Шу билан бирга, тадбиркорликни энди бошлаётган ёшларга бизнес режа тузиш, бухгалтерия, маркетинг ва бозорга чиқиш бўйича ёрдам берадиган "Ёшлар бизнес инкубатори" ҳар бир ҳудудда ташкил этилади.

Ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда эмас. "Фикрининг бер (Voice Up)" ва "Усиш ва ривожланиш (Upshift)" лойиҳалари кенгайтирилиб, энг яхши стартаплар молиялаштирилади. Техникумларда дуал таълим кенгайтирилади, ўқув дастурлари иш берувчилар талаби асосида янгиланади.

**Хулоса қилиб айтганда, бу мулоқот оддий йиғилиш эмас, балки ёшларга ишонч ва катта имкониятлар эшигини янада кенг очган муҳим қадам бўлди. Ёшлар билимли, касбли ва тадбиркор бўлса, оиласи ҳам, маҳалласи ҳам, бутун мамлакат ҳам ривожланади. Энг асосийси, ёшларда ишонч бор ва бу ишонч уларни янада катта ютуқларга етаклайди.**

Аслида, унинг ҳаёт йўли бир пайтлар бироз иккиланишларга юз тутган эди. Мактабни битиргач, айрим яқинларининг маслаҳати билан чет элга ишлаш учун кетмоқчи бўлди. Аммо ёшлар етакчисининг ўз вақтида берган маслаҳати ва таклифлари унинг тақдирида муҳим бурилиш ясади. Ҳасанбек ўйлаб қўриб, ўзида ушбу хунарга қизиқиш ва маълум кўникма борлигини англаб етди ва шу ернинг ўзида касб эгаллаш ниятини билдирди.

Бугун у ҳаётда ҳалол меҳнат билан топилган ризқ энг катта бойлик эканини чуқур ҳис қилди. Устозлари Ҳасанбекни шоғирдлари ичида энг зийрак ва уддаборларидан бири сифатида эътироф этишади. Ҳар бир ўргатилган элементни тез ва пухта ўзлаштириши, ишга масъулият билан ёндашиши уларнинг эътиборини тортган.

Шундай қилиб, бир вақтлар чет элга кетиш арафасида турган ёш бугун ўз маҳалласида меҳнат қилиб, хунар эгаллаб, мустақкам келажак сари қадам ташламоқда. Биргина тўғри йўл-йўриқ ва ўз вақтида кўрсатилган эътибор эса яна бир ёшнинг тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилди.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

### ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ГУВОҲ СИФАТИДА ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРИ МАВЖУД?

Дилафрўз КАМОЛОВА,  
Сурхондарё вилояти:

— 11 ёшли фарзандим ўғрилиқ жинояти содир этилаётганини кўриб қолган, ҳозирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар уни гувоҳ сифатида сўроқ қилишмоқчи. Бундай ҳолатда вояга етмаганларнинг қандай ҳуқуқлари бор?

Жавоҳир ТУРОПОВ,  
ҳуқуқшунос, адвокат:

— 11 ёшли фарзандингиз жиноят ишида гувоҳ сифатида жалб этилаётган бўлса, унинг ҳуқуқлари қонун билан алоҳида ҳимоя қилинади. Жиноят-процессуал кодекснинг 554-моддасига асосан, вояга етмаган шахс сўроқ қилинаётганда педагог ёки психолог иштироки таъминланиши шарт. Шунингдек, унинг қонуний вакили (ота-онаси ёки васий) процессуал ҳаракатларда иштирок этиши мажбурий. Уларнинг иштирокисиз сўроқ ўтказиш мумкин эмас.

Демак, фарзандингиз фақат қонуний вакил, педагог (ёки психолог) ва зарур ҳолларда адвокат иштирокида сўроқ қилиниши ҳамда ҳар қандай таъйиқдан ҳимояланган бўлиши шарт. Ҳуқуқлар бузилган тақдирда, прокуратура ёки судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Шунинг учун биз бундай ёшларни енгилроқ, аммо истиқболли соҳаларга йўналтиришга ҳаракат қиляпмиз. Ишлаб чиқариш цехлари, фермер ҳўжаликлари, хизмат кўрсатиш нуқталари билан ҳамкорлик қиляпмиз.

Аммо яна бир нарсани англадим: муаммонинг илдизига етиш учун 20 ёшдан кейин эмас, мактаб ёшидаёқ ўсмирларнинг қизиқишини аниқлаб, келажак қадамини тўғри белгилаб бериш зарур. Шунда эртага маҳалламизда ишсиз, норасмий банд, "нима қилсам экан?" деб бош қотириб юрган ёшлар камаяди.

Шуларни инобатга олиб, яқинда 15 ёшли Шохидбек Абдулазизовни замонавий касбларга йўналтирдик. У жуда тиришқоқ бола, техника ва компьютерга қизиқиши баланд. Ҳозир уни олти ойлик ўқув курсига жойлаштирдик, ойма-ой тўловини амалга оширяпмиз. Ундан умидимиз катта. Чунки унда интилиш бор. Мен шундай ёшлар кўпайишини истайман.

Албатта, иш жараёнида муаммолар ҳам йўқ эмас. "Камбағал оилалар реестри"да турган айрим маҳалладошларимиз ижтимоий базанда кўринмай қоляпти. Натижада ҳақиқатан муҳтож оилаларга ёрдам беришда тўсиқлар юзага келмоқда. Бу ҳолат мени хавотирга солади. Биз бу масалани ҳал қилиш устида ишлаяпмиз ва тез орада ижобий натижа бўлишига ишонаман.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПЯПТИМИ?

### Тақдирни ўзгартирган биргина тўғри қадам

Нилуфар МУРОДОВА.

Бугун бир ҳақиқатни ишонч билан айтиш мумкин: ҳеч бир ёш эътибордан четда эмас. Касб эгаллашми, хунар ўрганишми — ҳар бир билимнинг ҳаётда алоҳида ўрни, ўзига хос гашти бор. Баъзан биргина ёшнинг шижоати бутун маҳаллага қувонч, ишонч ва илҳом бахш этади.

Наманган шаҳридаги "Янги аср" маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳасанбек Ёрматов ҳам ана шундай истеъдодли ёшлардан бири. У келажакни хунармандчилик билан боғлашга қарор қилди ва вақтни бой бермай, ўз истеъдодини амалда синаб кўришга киришди. Яқинда маҳалла ҳудудида ташкил этилган пластик эшик ва ромлар ишлаб чиқарувчи корхонада тўрт нафар тенгдоши қаторида шоғирд сифатида иш бошлади. Қисқа фурсатда у хунар сирларини ўрганиб, доимий иш ўрнига эга бўлди.




Саҳифани "Mahalla" муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Рамазон ойида  
Ўзбекистондаги  
616 мингдан  
ортиқ оилага  
422,4 МИЛЛИАРД СЎМ  
моддий ёрдам пули  
берилди.



Экология,  
тиббий хизмат,  
таълим, фавқулодда  
вазирларда қўмаклашиш  
йўналишидаги  
ВОЛОНТЕРЛАР СОНИ  
100 мингдан  
ошди.



Январь ойида  
ҲОМИЛАДОРЛИК  
ВА ТУҒИШ  
НАФАҚАСИ  
бўйича  
103,5 миллиард сўм  
тайинланган.

6

Mahalla №16

2026 йил  
28 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА

# “МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

## ■ ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Тажриба алмашиш доим ўз натижасини кўрсатади. Айниқса, энди ривожланаётган, юқори натижалар сари одимлаётган соҳаларда бу тенгсиз аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу маънода ижтимоий ҳимоя тизими хорижий давлатларнинг ўзига хос иш услубини ўрганишни доимий анъана тусига айлантирган.

## Инсонийлик ришталари меҳр билан мустаҳкам

Мафтуна БОМУРОДОВА,  
Ромитан туманидаги  
“Инсон” ижтимоий  
хизматлар маркази  
супервайзери.

Зил чироқни ишга туширади. Ўзбекистонда ҳам аста-секин шу тизимга ўтиляпти, бироқ бизда кўпроқ ижтимоий хизматнинг хонадонга бевосита ташрифи ва субъектив баҳолаш хизмати ҳали юқори ўринда туради.

У

тган йилнинг ноябрь ойида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг бир гуруҳ ходимлари Хитойнинг Ченгду шаҳрида бўлиб, яратилган қўлайлик ва имкониятларни ўрганиб қайтишди. У ерда ногиронлиги бўлган кишилар учун қўллаб-қувватлаш шароитлари бор. Шаҳар метросининг барча бекатлари лифтлар, махсус пандуслар ва кўзи оғирлар учун тактил йўлакчалар билан жиҳозланган. Автобусларнинг катта қисми аравада чиқиш учун махсус ускунага эга. Ҳатто, йирик сайёҳлик масканлари ҳам имконияти чекланган инсонларнинг ҳаракатланишига тўлиқ мослаштирилган. Шунингдек, шаҳарда кўзи оғирлар учун “ақлли” светофор ва овозли навигация тизимлари кенг жорий этилган. “Интерактив хари-та”лар эса энг қўлай маршрутни кўрсатиб беради.

Ченгду ва Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизимини солиштириш жуда қизиқарли, чунки ҳар икки ҳудуд ҳам сўнгги йилларда “рақамли ижтимоий давлат” моделига ўтишга интилмақда.

”

Гарчи Ченгду ижтимоий ҳимоя йўналишида технологик жиҳатдан илгариллаб кетган бўлса-да, Ўзбекистон модели бу борада ўзига хос инсоний омилларга кўра ажралиб туради. Айтайлик, маҳалла институти – дунёда ўхшашли йўқ тизим. Бу масканда етти ёшдан етмиш ёшгача барча бир-бирини танийди. Меҳр-оқибат тамойили сифатида бизнинг тизимда нафақат моддий, балки маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш кўни-қўшничилиги, қариндошлик ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир қисми сифатида ишлайди. Бир сўз билан айтганда, инсонлар бир-бирига қалб-бақиб бўлса, қолган марраларни эгаллаш мумкин тугдирмайди.

## ■ ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

# ЭРТАНГИ КҮН УМИДИ АСЛО СЎНМАЙДИ, НОГИРОНЛИК БУ ҲАЁТГА ТЎСИҚ БЎЛМАЙДИ

Ҳар бир инсон ҳаётда турли синовларга дуч келади. Айримлар учун бу жисмоний чекловлар билан боғлиқ бўлса, бошқалар руҳий изтироблардан азият чекади. Лекин қандай ҳолат бўлишидан қатъи назар тўғри ёндашув, қўллаб-қувватлаш ва эътибор орқали уларнинг ҳаётга бўлган ишончини тиклаш мумкин.



Дана ТУРЕМУРЗАЕВА,  
Тахياتош туманидаги  
“Қўшчилик” маҳалласи  
ижтимоий ходими.

М

аҳалла тизимидаги бир йиллик фаолиятим давомида бу ҳақиқатни теран англаб етдим. Худудимизда истиқомат қиладиган 1993 нафар аҳоли вакиллари билан ишлаш жараёнида уларнинг ҳаётига янада чуқурроқ кириб боряман. Айниқса, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган 51 та хонадон эгаларининг эҳтиёжи ўрганилиб, керакли ёрдамлар билан қамраб олинган. Шунингдек, 51 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг ҳар бирига алоҳида эътибор ва ёндашув билан хизмат кўрсатиляпти.

”

Маҳалладошимиз Амангелди Тугалаков қурилиш ишлари вақтида олган оғир жараҳати оқибатида I гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Ҳаётдаги бу кескин ўзгариш унинг турмуш тарзига ҳам, руҳий ҳолатига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Хатлов жараёнида фуқарога нисбатан алоҳида “кейс” очилди. Ҳозирги кунга қадар унга қонунчиликда белгиланган ижтимоий хизматлар кўрсатилиб келинмоқда. Хусусан, “ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ” дастури доирасида унга кундузги қатнов хизмати йўлга қўйилди.

Амангелди ака илк бор мурожаат қилганида, ҳаётга бўлган ишончи сусайган эди. Биз эса уни фаол ҳаётга қайтаришни асосий мақсад қилиб олдик. Ҳар бир кўрсатилаётган хизмат — унинг эртанги кунига бўлган умидини ошириш учун хизмат қиляпти.

Бугун Амангелди ўзини жамиятнинг бир бўлаги сифатида хис қилмоқда. Унинг ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар нафақат оила аъзоларини, балки атрофдагиларни ҳам қувонтиряпти.

Бу мисол орқали кўриш мумкин, инсонга ўз вақтида берилган эътибор, тўғри йўналтирилган ижтимоий ёрдам ва меҳр-оқибат ногиронликини ҳаётга тўсиқ эмас, балки янги имкониятларга қадам сифатида қабул қилишга ёрдам беради.



Ўзбекистондаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва “Инсон” марказлари, Хитойдаги “Диббо” ва мониторинг тизимига жуда ўхшаш. Иккала ҳолатда ҳам ёрдамга муҳтожлар алгоритмлар орқали аниқланади.

У ерда “Жамоат хизмат кўрсатиш марказлари” деярли биздаги маҳалла ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли тизими каби ишлайди. Улар муҳтожлар хонадонига бориб, ҳолидан хабар олади. Ҳар икки маданиятда ҳам кексаларни ҳурмат қилиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат даражасидаги устувор вазифа ҳисобланади.

Асосий фарқлар, технологик интеграция, молиялаштириш тизимлари ва инфратузилма қамрови билан боғлиқ. Ченгдуда пул нақд шаклда берилмайди, балки рақамли ҳамён орқали фақат ижтимоий хизматлар учун ишлатиладиган мақсадли маблағ сифатида тақдим этилади. Бизда эса ижтимоий ёрдам нақд пул шаклидаги нафақалар кўринишида амалга оширилади. Ҳозирда ижтимоий қарталар орқали тизим рақамлаштириляпти.

Ченгдуда сунъий интеллект оиланинг харажатлари, коммунал тўловлари ва даромадларини вақт кесимида қўзатиб, улар камбағаллик чегарасига етмасидан қи-

## ■ БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

# КЎМАК САБАБ ҚАЛБГА ИШОНЧ, ОИЛАГА ҚУВОНЧ ҚАЙТДИ



Президентимиз ташаббуси билан Муборак Рамазон ойида Тошкент шаҳрида оғир жароҳлиқ амалиётига муҳтож фуқароларга ваучерлар топширилмоқда. Бу ташаббус қўллаб-қувватлаш учун кутилмаган хушхабар, дард чекаётган инсонлар учун эса янги умид эшигини очди.

”

Рамазон ойида амалга оширилаётган мазкур хайрли ташаббус жамиятимизда меҳр-саховат ва инсон қадрини улуғлаш тамойиллари устувор қадриятларимизнинг яна бир бор намоён этмоқда.

Я

шнобод туманидаги “Ширин-обод” маҳалласида истиқомат қилувчи Г. Соатовнинг жароҳлиқ амалиёти билан боғлиқ харажатларини “Вақф” хайрия жамоат фонди қўллаб-қувватлади.

38 йилдан буён туғма юрак нуқсон касаллиги билан курашиб келаётган фуқарога Яшнобод тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари, маҳалла ижтимоий ходими ва оилавий шифокор махсус ваучерни топширди.

Ҳар бир топширилаётган ваучер ортда бир инсоннинг соғайиш озу-си, бир оиланинг қувончи ва келажакка бўлган ишончи мужассам. Жараёнлар шаффоф ва адолат тамойиллари асосида ташкил этилиб, ҳақиқатан ҳам тиббий ёрдамга муҳтож фуқаролар қамраб олинмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

## ■ МЕНДА САВОЛ БОР...

# Ижарага олинган уй тўлови қошлаб бериладими?

Сарвар ЖУМАЕВ,  
Фарғона вилояти:

— Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун ижарага олинган уй тўловларини қоплашда давлат ёрдам кўрсатадими? Бу қандай шартлар асосида амалга оширилади?

Мирзоҳиджон МИРЗААҲМЕДОВ,  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги  
Фарғона вилояти бошқармаси ҳуқуқшуноси:

— Қонунчиликка кўра, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ижарага олган уй-жойларнинг тўловлари тўлаб берилади. Бунинг учун “Он-лайн-навбат” ахборот тизимига киритилган ушбу тоифадаги болалар “Инсон” марказига бевосита борган ҳолда ёки “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги “Уй-жой ижараси” модули орқали ариза билан мурожаат қиладди. Ижара тўлови қуйидаги ҳолларда тўлаб берилади:

- болага мулк ҳуқуқи асосида уй-жой ажратилмаган бўлса;
- ижара шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилган бўлса;
- бола тегишли олий таълим ташкилотининг ётоқхонасига жойлашмаган ёки ижара харажатлари учун компенсация олмаётган бўлса;
- бола билан тузилган меҳнат шартномаси “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан рўйхатдан ўтказилган бўлса.



Саҳифани  
“Маҳалла” муҳбири  
Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА  
тайёрлади.



2027 йилдан сувдан фойдаланиш солиғи СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИГА боғланади.



Тошкентда 1 гектаргача бўлган КИЧИК ВА ЗИЧ ҚУРИЛИШЛАР амалиётдан воз кечилади.



Бир йилда 15 мингдан зиёд такси ҳайдовчиси 100 МИЛЛИОН СУМДАН ОРТИҚ даромад олди.

2026 йил  
28 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА

**Mahalla** №16

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРТИБ

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Президентимизнинг “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 1 мартдан бошлаб, маҳаллаларни иқтисодий жиҳатдан кучайтиришга қаратилган янги имкониятлар яратилади.

### “МАҲАЛЛА ЛОЙИҲАСИ” ДАСТУРИ: кредитлар фоизининг бир қисмини давлат қоплайди



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Хозирда кўплаб фуқаролар ўз тадбиркорлигини бошлаш истагига эга бўлса-да, тижорат банкларининг юқори фоизли кредитлари уларни иккилантириб қўяди. Айниқса, даромади барқарор бўлмаган оилалар учун кредит олиш катта хавф.

Янги тартибга кўра, энди тижорат банклари “маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида аҳолига кредит ажратаётганда, унинг фоизининг бир қисмини давлат қоплаб беради ва бу молиявий босимни камайтиради. Яъни, одамлар бизнес қилиш учун кредит олса, тўлайдиган фоизи енгиллашади.

Агар кредит махсулот етиштиришга, масалан, деҳқончилик, чорвачилик, иссиқхона ёки бошқа ишлаб чиқариш мақсадларида олинса, фоиз ставкасининг 4 фоизлик қисмини давлат компенсация қилади. Агар лойиҳа махсулотни қайта ишлашга, яъни қўшимча қиймат яратишга қаратилган бўлса (масалан, сутни қайта ишлаб пишлоқ қилиш, мевани қоқи ёки шорбатга айлантириш), бу ҳолатда 6 фоизлик қисми қоплаб берилади. Демак, қайта ишлашга кўпроқ рағбат бериляпти.

Бунинг маъноси оддий: ким иш бошламоқчи бўлса, унга молиявий енгиллик яратилади. Фоиз кам бўлса, одамлар кўркмасдан кредит олади, иш бошлайди, даромад қилади. Шунингдек, маҳаллаларнинг ихтисослашуви тартибсиз ва самарасиз фаолият юритиш муаммосини бартараф этишга хизмат қилади. Ҳар бир ҳудуд ўз имконияти ва шароитига мос соҳани ривожлантирса, ички рақобат эмас, балки ўзаро тўлдирувчи иқтисодий тизим шаклланади. Яъни ҳар бир ҳудуд ўзига мос соҳани танлаб, шу йўналишда ривожланади.

Бу қарорнинг асосий мақсади — аҳолининг даромадини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва кам таъминланган оилаларни даромадли фаолиятга жалб этишдир. Шунингдек, махсулотни фақат етиштириш билан чекланиб қолмасдан, уни қайта ишлаш орқали қўшимча даромад олишга ўргатишдир.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

## МУРОЖААТ ВА МУЛОҚОТДА ҲАМИША ЯҚИН, КЎМАК ВА ҚЎЛЛОВДА ДОИМ КАМАРБАСТАМИЗ

Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб иккита маҳалланинг солиқ масалалари бўйича масъулияти менга юклатилди. Бу мен учун нафақат вазифа, балки катта ишонч ҳам бўлди. Ҳозир асосий эътиборимиз мол-мулк солиғи тушумларини 15 апрелга қадар йиғиб олишга қаратилган. Шу сабаб 1 мартгача хонадонларга солиқ тўлов хабарномаларини етказиш ишларини бошлаб юбордик.

Абдунаби ЙЎЛДОШЕВ, Фаллаорол туманидаги “Хонимқўрғон” ва “Гўбдин” маҳаллалари солиқ инспектори.

Айниқса, кўп уй-жойлар пенсиядаги фуқаролар номида эканлини инобатга олиб, уларни эртароқ огоҳлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Хабарнома ни олиб, “Олдинроқ айтганингиз яхши бўлди, болам, нафақамиздан ажратиб тўлаб қўямиз”, деб миннатдорлик билдираётган отахону онахонларни кўриб, ишимиз бежиз эмаслигини ҳис қиламан. Аслида, солиқни вақтида тўлаш ҳам фуқаролик бурчи, ҳам тартиб-интизом масаласи.

Авваллари битта инспектор 6-7 та маҳаллага бириктирилари. Вазифалар кўпчилигидан одамлар билан яқиндан танишиш, уларнинг муаммосини эшитишга вақт топилмасди. Шунинг учун айримларда солиқ инспекторига нисбатан совуққонлик пайдо бўлган, деб ўйлайман. Ҳатто “Солиқчи ким?” десангиз, исм-фамилиясини ҳам бишлимасди.



Ҳозир эса “маҳалла еттилик” таркибида солиқ инспектори ҳам ўз ўрнига эга. Энди биз фақат солиқ ундириш учун эмас, балки кўмак бериш учун ҳам хонадонларга кириб бораемиз. Одамлар ҳам бемалол мурожаат қиладиган бўлишди.

Яқинда кичик дўкон эгаси Обид Гулимов ёрдам сўраб келди. Олдин у яқка тартибдаги тадбиркор сифатида йил бошигача дўкони учун патент асосида қатъий белгиланган микдорда солиқ тўларди. Савдоси яхши бўладими-йўқми, барибир белгиланган суммани тўлашга мажбур эди. Айниқса, чекка ҳудудда ҳар куни савдо баравар бўлавермайдди. Мен унинг дўконига бориб, янги тартибларни тушунтирдим. Энди у савдо айланмасига қараб 1 фоиз солиқ тўлайди. Яъни савдо бўлса — тўлайди, бўлмаса — ортиқча юк йўқ. Буни эшитиб, унинг енгилчи ичига сиғмади. “Энди енгил тортидим”, деди. Шундай пайда ўзим ҳам хурсанд бўламан.

Солиқ инспектори деганда, одамлар кўз олдига фақат талаб қиладиган эмас, йўл-йўриқ кўрсатадиган, тушунтирадиган, енгиллик яратадиган мутахассис келишини истайман. Маҳалламиздаги ҳар бир тадбиркор, ҳар бир фуқаро ўз ишини бемалол юритса, қонуний ишласа, бизнинг ҳам меҳнатимиз баракали бўлади.

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ!”

## “МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИГА ҲАМИША ТАЯНАМИЗ”

Яқинда бир муаммоли вазиятга дуч келдим. Бир нотаниш шахс телефон орқали ўзини “солиқ инспектори” деб таништириб, гўё қарздорлигим борлигини айтди ва пулни бошқа картага ўтказишни талаб қилди...



Барно АСАДОВА, Шайхонтоҳур тумани “Жангоҳ” маҳалласи.

Охириги тўловларни амалга оширганам эсимда ва унинг сўзлари жуда ишончли туюлди, лекин хавфсизлик нуқтаи назаридан маҳалламизга бириктирилган солиқ инспекторига боғландик. Инспектор дарҳол текшириб, бизда ҳеч қандай қарздорлик йўқлигини айтди, бундай қўнғироклар фирибгарлик эканини тушунтирди ва фақат расмий хабарларга ишониш кераклигини батафсил изоҳлаб берди. Шу тарзда бир оиланинг алданиб қолишининг олди олинди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## Хизмат автомобили учун ҚҚС ҳисобга олинадими?

Ақбар ХИДИРАЛИЕВ, Тошкент вилояти:

— Мен ҚҚС тўловчи корхона директори ҳисобланаман. Яқинда таъминот бўлими учун хизмат вазифалари доирасида чет элда ишлаб чиқарилган иккита енгил автомашина сотиб олдим. Улар учун тўланган ҚҚС миқдорини ҳисобга олиш ва солиқ юкини камайтириш мақсадида қайд этиш ҳуқуқий жиҳатдан мумкинми?

Улуғбек САЪДУЛЛАЕВ, Солиқ кўмитаси раиси ўринбосари:

— Солиқ кодексининг 266-моддасига кўра, агар сотиб олинган актив корхонанинг ҚҚС солинадиган фаолиятида фойдаланилса, ҚҚС амалда тўланган бўлса ва барча ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган бўлса, ушбу ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи мавжуд. Енгил автомобиллар бўйича ҚҚС, агар улар ҳужалик фаолияти билан бевосита боғлиқ деб топилмаса, ҳисобга олинмайди. Амалиётда солиқ ташкилотлари айнан шу “бевосита боғлиқлик”ни текширади. Сизнинг ҳолатингизда агар автомашиналар: таъминот ишлари, мижозлар билан учрашув, шартномалар тузиш, товар етказиб бериш жараёни каби даромад келтирувчи фаолиятга хизмат қилса ва буни буйруқлар, йўл варақалари, лавозим йўриқномалари билан тасдиқласангиз, ҚҚСни ҳисобга олиш мумкин.

Солиқ инспектори тушунтирувчи ва маслаҳат берувчи мутахассис сифатида фаолият юритаётганини кўряпмиз. Учрашувларда у мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби, имтиёзлар, тўлов муддатлари, онлайн тўлаш имкониятларини аниқ мисоллар билан тушунтириб беради. Айниқса, мол-мулк солиғидан тушган маблағнинг 10 фоизи маҳалла ҳисобрақамига ўтказилиши аҳоли учун катта янгилик бўлди ва бу маҳаллаларни ривожлантиришда муҳим омил эканини тушуниб етдик.

Шундай очиқ мулоқотлар ва солиқ ходимларининг фаол иштироки биз, фуқароларнинг ҳуқуқий билимимизни оширяпти, турли сохта хабарлар таъсирига тушиб қолишимизнинг олдини оляпти ва солиқ тўловларининг шаффоф ҳамда онгли равишда амалга оширилишига хизмат қилмоқда.



Президентимиз,  
Курулли Кучлар  
Олий Бош Қўмондони  
Шавкат Мирзиёев  
Сурхондарё вилоятига  
ташрифи чоғида  
ҲАРБИЙ ҚИСМДА  
БЎЛДИ.



Адлия  
вазирлиги  
ноқонуний  
пойгалар учун  
ЖАВОБГАРЛИК  
ЖОРИЙ ЭТИШ  
бўйича таклиф  
киритди.



1 мартдан  
ЎЛИМ ҚАЙД  
ЭТИЛГАНИ ҲАҚИДА  
QR-кодли  
маълумотнома  
вафот этган  
шахснинг оиласига  
бепул юборилади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,  
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

МУЛОҲАЗА

Ҳуқуқий  
саводхонлик  
хавфсизликни  
таъминлайди, ҳатто  
кибер маконда ҳам

Тасаввур қилинг: банкдан кўнғироқ қилиб, “Сизда муддати ўтган кредит қарзи бор”, дейишди. Аммо яқин орада кредит олмагансиз, боз устига, сумма ҳам кичик эмас...



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,  
Ички ишлар вазирлиги Жамоат  
хавфсизлиги департаменти  
ахборот хизмати ходими.

Тадбирларда маҳалла фаоллари, туман ИИОФМБ Ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўлини маси вакиллари, Криминология-тадқиқот институти профессор-ўқитувчилари иштирок этади. Мутахассислар фарибгарлик жиноятининг олдини олиш, турлари ва содир этиш усуллари ҳақида батафсил тушунча бермоқда.

Бу каби фарибгарлик қурбонлари, афсуски, кам эмас. Аксарият жиноятларнинг келиб чиқишига ҳуқуқий билим етишмаслиги, кибермаданиятнинг йўқлиги сабаб бўляпти. Турли семинарлар доирасида ривожланган давлатлардаги ҳамкасблар билан суҳбатлашамиз. Гоҳида гап шу мавзуга йўналади. Айтишларича, уларда киберфарибгарлик жинояти камида 15-20 йил олдин “урф”га кирган. Ҳозирга келиб, деярли учрамайди.

Мазкур жиноят рақамлари ортида минглаб инсонлар тақдир, оилалар бюджети ва ишонч масаласи турибди. Шу боис профилактик тарғибот тадбирларни янада кучайтириш керак.

Ҳуш, бунга қандай эришиш мумкин? Ҳар гал берадиган саволимиз шу бўлади. Жавоб эса битта, ечим ҳам ягона. Фақат одамларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва дунёкарашини ўзгартириш билангина фарибгарларга қарши тура оламиз. Яъни, одамлар ҳуқуқий саводхон бўлса, киберфарибгарларга “нон” қолмайди.

Маълумотларга кўра, фарибгарлар 60 фоиз ҳолатда зарарли ҳаволалар ва дастурлар юбориш орқали банк пластик картаси ёки мобил қурилма устидан назоратни кўлга киритмоқда. Дарҳақиқат, “онлайн ҳаёт” ваъдаларга тўла “Тез бойлик ортириш” орзуи рўёбидан тортиб, идеал жуфти топишни таклиф қилувчи танишув иловалари, дам олиш ҳақидаги фойдали таклифлар... Уларнинг тузоғига тушиб қолмасликнинг ягона йўли — кибермаданиятни ривожлантириш.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ХАВФСИЗ МУҲИТ

“ЕТТИЛИК” ЖИНОЯТНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ  
КЎРИНИШИГА МУТЛАҚО МУРОСАСИЗ

Маҳалламизда яшовчи В.Х. исми шахс ичкиликка ружу кўя бошлади. Ҳар кеч уйига маст бўлиб келар ва жанжал қиларди. Охири турмуш ўртоғининг илтимоси билан “еттилик” ва фаоллар маслаҳатлашиб, уни мажбурий даволанишга юбордик. Ҳозир оила ўзидан тинчиган.

Аброр МАҚСУДОВ,  
Қорақўл туманидаги  
“Дарғали” маҳалласи  
профилактика инспектори.

увоҳ бўлганингиздек, ҳар қандай масала, муурожаатнинг олдини олишда “еттилик” ходимлари ҳамжиҳату ҳам-маслаҳат ишляпмиз. Бу борада ўрناق бўларли ишларимиз кўп. Худудда 1 230 тадан зиёд оила бўлса, ярмини ёш оилалар ташкил этади. Улар ўзидан тиниб-тинчиб кетиши хонадонда яшайётган катталарнинг муносабатига ҳам боғлиқ. Профилактик ишларни олиб боришда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор беряпмиз. Ўтган йил давомида 9 та оилавий можаро кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди, ажралишлар қузатилмади. Айни пайтда 3 та низоли оиланинг муаммосига биргаликда ечим изляпмиз.

Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашяпмиз. Маъмурий назоратда турганлар, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этаётган шахслар, спиртли ичимликка ружу кўйганлар, профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар билан тушунтириш ишларини олиб боришдан ташқари, маҳалла аҳлининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Профилактика инспектори қандай ишлаётганини худудда юз берган жиноят сонига қараб билиш мумкин. Шу маънода 2025 йилда худудда жиноят содир этилмади. Барчасининг барвақт олди олинди. Масалан, жорий йил январь ойида, одатдагидек, хизмат олиб бораётган эдик. “Хонадонбай” урганиш чоғида, У.Х. нинг ҳовлисида 129 туп гиёҳвандлик ўсимлиги парваришланаётганини ҳамда 140 грамм қуритилган гиёҳвандлик воситаси борлигини аниқладим.



Иш бошлаганимга 13 йил бўлди. Бугунги кунгача “Янги турмуш”, “Қозон”, “Алиқажо” каби маҳаллаларда фаолият олиб бордим. Ҳар бир даргоҳ катта маҳорат мактаби, тажриба майдони бўлди. Мана, уч йилдирки, “Дарғали”да худуд хавфсизлигини таъминлаш учун жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиб келяпман.

Президентимизнинг “пойтахт намунаси”ни яратиш борасидаги ташаббус ва кўрсатмаларига кўра, криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда янгича ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга ҳаракат қиляпмиз. Унинг доирасида жойларда “Хавфсиз ва рақамли маҳалла”, “Намунали хавфсиз куча”, “Хавфсиз бозор”, “Хавфсиз бека”, “Ҳуқуқ-тартибот маскани”, “Хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш” бўйича янгиликлар йўлга қўйилди.

Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Ҳайрулло АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.

ТАҲЛИЛ

Ўзбекистонда ҳам меҳнат миграцияси кучайиб, кўпчилик ишлаш учун хорижга чиқяпти. Айни шу жараёнда бир муаммо — вояга етмаган болалар назоратсиз қолиши кўзга ташланыпти. Ота-она хорижда, демакки, бола қандай муҳитда катта бўляпти, ким билан юрибди, қаерга боряпти, деган мазмундаги саволлар жавобсиз. Эътиборсизлик ортидан эса боланинг ёмон муҳитга тушиб қолиш хавфи ортыпти.



Ҳайрулло ФАЙЗ.

Сезганингиздек, муаммо кўлами кичик эмас. Бу — давлатнинг эртасини белгилаб берадиган бир омил. Шу боис айни мавзуда қўнун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилган эди. Ҳуш, бу билан нима ўзгаряпти? Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили

Боласини қолдириб, хорижга отланаётган ота-оналарга бир гап...

Бу ташаббусни қўллаб-қувватлайдиганлар қаторида, унга қаршилар ҳам топилади. Балки кимлардир давлат четга чиқишни тақиқляпти, деган нотўғри фикрга бориши мумкин. Аслида, бундай эмас. Ким қаерга кетса ҳам болаларнинг ҳуқуқий ва руҳий хавфсизлигини таъминлаб қўйиши муҳим.